(1894-йил 14-декабр, Еттисув (хоз. Олмаота) вилояти Верний уезди Шаркий Тўргай волости - 1938-йил 10-феврал, Москва)

Туркистон халкининг таникли давлат ва жамоат арбоби бўлган Т. Рискулов камбагал козок чорвадори оиласида тугилди. унинг отаси Рискул Жилхайдаров волост бошкарувчиси Учкемпировни ўлдиргани учун аввал Верний шахридаги камокхонагага ташланади, сўнгра Сибирга сургун килинади (1904-05). Ёш Т. Рискулов отасининг хохиши билан камокхонага кетади. У илк сабокни турмадаги савод чикариш мактабида олади. Сўнгра у Авлиё уезди Мерки шахридаги рус-тузем мактаби ва Бишкекдаги кишлок хўжалик ўкув юртини тугатади (1907-1914). Т. Рискулов 1914-йили Тошкентга келади ва турли юмушларни бажаради. У 1916-йилда чор Россиясига карши кўтарилган миллий-озодлик курашида фаол катнашди. 1916-1917-йилда Тошкент ўкитувчилар институтида ўкиди.
1918-1924-йилларда Т. Рискулов Туркистон Автоном Республикасида мухим вазифаларни бажарди: Туркистон Согликни саклаш халк комиссари (1918-19), Очарчиликка карши кураш Марказий Комиссияси раиси (1918-19), РКП(б) ТКП Мусулмонлар бюроси (1919-20), Туркистон АССР МИК раиси (1920-йил январ-июл), Туркистон АССР ХКК раиси (1922-йил сентабр - 1924-йил январ) лавозимларида ишлади. Т. Рискулов Туркистондаги очарчилик ва унинг дахшатли окибатларини тугатиш учун курашди, болшевикларнинг махаллий халкларнинг очликдан кирилишига бефарк, менсимаслик муносабатини очик танкид килди. Т. Рискулов бошчилигидаги айрим миллий коммунистлар Марказнинг шовинистик сиёсатини, Туркбюро ва Турккомиссиянинг зўравонлик кирдикорларини, кизил аскарларнинг боскинчилик ва талончиликларини очиб ташладилар. Ўлка мусулмонлари Бюроси раиси сифатида у “Турк Республикаси” ва “Турк Компартияси” тузиш хакидаги масалани Марказ сиёсий рахбарияти олдига кўяди. Бирок Марказнинг топшириги билан Турккомиссия Туркистон халклари бирлашишига йўл кўймади. Аксинча, уларни ажратиш чора-тадбирларини кўради.
Туркистон халкларини бирлаштириш тарафдори бўлган Рискулов лавозимидан бўшатилиб Марказга чакириб олинади. У Марказнинг назоратида: РСФСР Миллатлар иши халк комиссарининг иккинчи ўринбосари, ушбу комиссарликнинг Озарбайжондаги Мухтор вакили лавозимларида ишлади (1920-1922). Бирок, Туркистонда истиклолчилик харакати кучайиб, сиёсий вазият кескинлашгач, у Туркистонга яна кайтарилди. Т. Рискулов исктиклолчилик харакатига карши курашга рахбарлик килган совет давлат арбобларидан бири бўлишга карамасдан, у истиклолчилар курашининг мохиятини тўгри тушунган ва уларга хайрихохлик билан караган эди.
Марказ 1924-йил бошидан Туркистон халкларини бўлиб ташлаш максадида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегаралаш ўтказиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Туркистон халкларининг бирлиги, Турк Республикаси ташкил килиш тарафдори бўлган Т. Рискулов Туркистонда туришидан Марказ манфаатдор эмас эди. шунинг учун у 1924-йил февралда Марказга яна чакириб олинади. Т. Рискулов Коминтерн Ижроия Кўмитасининг Ўрта Шарк бўлимида ишлади, Мўгулистон Республикасида ўз тажрибасини ўртоклашди (1924-1926), РСФСР Халк Комиссарлари Кенгаши раисининг муовини (1926-1936)

лавозимларида фаолият кўрсатди. У кайси лавозимда ишламасин, хар доим Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ва Козогистон манфаатларини химоя килди.
Т. Рискулов Туркистондаги 1916-йил кўзголони ва истиклолчилик харакати тўгрисида ва бошка мавзуларда бир катор маколалар, асарлар ёзди. Жумладан, унинг “Инкилоб ва Туркистоннинг туб ахолиси” (1-кисм, Тошкент, 1925) асари хозирги кунда хам кимматлидир.
Т. Рискулов 1937-йилда Москвада камокка олинади ва мустабид совет тузуми томонидан 1938-йилда отиб ташланади.